Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 118 (8. 547) ◆ 1994 йил 5 октябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. Нуриддинов (ЎзА) олган сурат.

3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаҳон сайёҳлик ташкилотининг бош котиби Антонио Эйрикес Савиньякни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни Тошкентда жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» халқаро анжуманининг очилиши билан қутлаб, унинг ишига муваффақият тилади.

— Икки юз элликдан ортиқ мамлакатни бирлаштирган бу нуфузли халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги ҳар икки томон учун ҳам катта истиқболлар очади,— деди Ислом Каримов.— Юртимизда хорижий сайёҳлар диққатини тортадиган қадамжолар кўп. Чунки Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган, тарихи ва маданияти бой, қадимий ўлкалардан биридир.

А. Э. Савиньяк самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, анжуманни ўтказиш учун яратилган қулайликлар, кўрсатилаётган шарқона ҳурмат ва эътибордан мамнуният изҳор этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов, жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа бўйича вакили В. Жусти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АНДИЖОНГА КЕЛДИ

4 октябрь. (ЎзА махсус мухбирлари Ғ. Мирзо, К. Низом хабар қилади). Бугун республика Президенти Ислом Каримов Андижонга келди. Ислом Каримов Асака шаҳридаги «ЎзДЭУ» Ўзбекистон— Қурия Республика қўшма автомобиль корхонаси қурилишининг бориши билан танишди. Муҳандис ва ишчилар билан мулоқотда бўлди.

Бўз тумани Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги, Комсомолобод туманидаги «Улуғнор» ширкатлар уюшмаси далаларини кўздан кечирди. Пахтакор ва ғаллакорлар билан суҳбатлашди. Суҳбатда юртбошимиз пахта билан бир қаторда ғалла етиштиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини, бу иқтисодий мустақилликка эришишда муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғда бўлди. Бобур даҳмасини зиёрат қилди, шоирнинг музейи билан танишди.

Кечқурун вилоят ҳокимлиги биносида фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президентнинг Андижон вилояти бўйлаб сафарида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов ҳамроҳлик қилдилар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ўтган мазкур йиғилишда Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг қониқарсиз иши муҳокама этилди. Унда республика вазирликлари, автобус ва таксопарклар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар аҳолисига ва меҳмонларига автотранспорт хизмати кўрсатишдаги камчилик ва нуқсонлар қаттиқ танқид қилинди.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда йўл қўйган камчиликлари учун «Тошшаҳарйўловчи т р а н с» уюшмаси бош муҳандиси Е. Ким, 3-автобус парки бош муҳандиси Қ. Йўлдошев, 5-автобус парки раҳбари М. Муҳаммаджонов, 7-автобус парки директори Ҳ. Азимов, 2-автокомбинат директори С. Аъзамов, тажриба ишлаб чиқариш автокорхонаси директори Ф. Мамажонов эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди.

«Тошшаҳарйўловчитра н с» давлат уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ж. Тошхўжаев ва «Тошшаҳарйўловчиавтотранс» бирлашмаси бошлиғи Н. Шароповга қаттиқ хайфсан эълон қилиниб, қисқа муддатда ўзларига юклатилган вазифада ўзгариш рўй бермаса, лавозимларида қолиш-қолмасликлари масаласи кўриб чиқилиши таъкидланди.

Йиғилишда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига автобус ва микроавтобус ҳайдовчиларини аттестациядан ўтказиш, ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш, муқобил хизматга чақирилувчилар ҳисобидан ҳайдовчилар сафини тўлдириш ва қисқа муддатда йўналишларда автобусларнинг мунтазам ишлаши юзасидан тартиб ўрнатиш, йўл-молия интизомини бузувчи ҳайдовчиларга қаттиқ чоралар кўриб, тегишли ҳужжатларни тергов органларига топшириш тавсия этилди.

Республика вазирликлари ва идораларига, Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар автотранспортининг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, бартер усулида эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур материаллар сотиб олиш учун маҳсулотлар ажратиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигига, прокуратурага автотранспортда йўл қўйилаётган камчиликлар устидан қатъий назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, Ю. Пайгин, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Мамлакатимиз пахтакорлари уруғлик пахта тайёрлаш режасини адо этдилар.

● 3-4 октябрь кунлари Тошкентда жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» халқаро анжуманининг мажлислари бўлиб ўтди. Анжуманнинг якунловчи босқичи бугун ва эртага Самарқанд шаҳрида ўтказилади.

● «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни матбуотда эълон қилинди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг ўн иккинчи пленуми партиянинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойини 1994 йил 1 ноябрда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон республика савдо-харид уюшмаси — «Ўзтайёрловсавдо»нинг Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида уюшманинг низоми тасдиқланди ва раҳбарлари сайланди.

● Кеча Тошкентда ГФРнинг Саксония ўлкаси ишбилармонлари вакиллари иштирокида енгил саноат ва тўқимачилик бўйича тармоқ бизнес-семинари бошланди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Озарбайжондаги вазият ғоят кескинлашиб кетди. 2 октябрда ички ишлар вазирининг ўринбосари ҳамда Боку шаҳар Хатаин тумани прокурори ака-ука Равшан ва Моҳир Жавадовлар бошчилигидаги қуролланган шахслар мамлакат прокуратурасига бостириб киришганларидан сўнг, бу ерда 60 кун муддатга фавқулодда ҳолат жорий этилган эди. Кеча эса қуролланган кишилар Ганжа шаҳар ижроия ҳокимияти ҳамда бошқа маъмурий идораларга ҳужум қилдилар ва маҳаллий аэропортни эгалладилар. Шундан сўнг Президент Ҳайдар Алиев мамлакат фуқароларини қонуний ҳокимиятни ҳимоя қилиш учун кўчага чиқишга даъват этди. У халқаро ҳамжамиятга Озарбайжон давлат мустақиллиги ва яхлитлигини таъминлашда ёрдам сўраб ҳам мурожаат этди.

● Кеча Борис Ельцин Москвада ўтказилган матбуот конференциясида Россия Президенти сайловлари муддатини аввал белгиланган 1996 йилдан кейинга суришга қарши эканлигини билдирди. У мамлакатдаги ислоҳотлар янада тезлаштирилишини ҳам маълум қилди.

● Эртага 4 октябрь куни Байқўнғир космодромидан учирилган «Союз ТМ-20» кемаси «Мир» орбитал станцияси билан туташтирилиши керак. Бу кемани Россия космонавтлари Александр Викторенко, Елена Кондакова ҳамда Европа космик агентлиги вакили немис Ульф Мерьбортдан иборат экипаж бошқармоқда.

● Йиғув конвейери ишчи-хизматчилари маош ололмаётганликлари учун иш ташлашлари оқибатида «АвтоВАЗ» корхонасида 8 октябргача мажбурий таътил эълон қилинди. Айни пайтда бу ерда «ВАЗ» автомашиналарини сотиш нархи 1 октябрдан эътиборан ўртача 20 фоизга оширилиши маълум қилинди. Хусусан эндиликда ВАЗ-2105 14 миллион, ВАЗ-2109 15,5 миллион, ВАЗ-2199 эса 24 миллион Россия рублига тенг бўлади.

● Москва прокурори Геннадий Понамарев «МММ» ҳиссадорлик жамиятининг президенти Сергей Мавродини қамоқда ушлаб туриш муддатини яна бир ойга узайтирди.

● Курил оролларн ҳудудида 7—9 балл куч билан ер силкиниши рўй берди. Қурбонлар бор. Зилзила халқ хўжалигига ҳам жуда катта зарар етказди.

ХОРИЖДА

● Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Қаюмов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг Нью-Йоркда давом этаётган 49-сессиясида нутқ сўзлади.

● Дастлабки маълумотларга кўра, сўл марказий кучларнинг вакили сенатор Фернанду Энрики Кардозу ялпи сайловларда Бразилиянинг 36-президенти этиб сайланган.

● Ҳиндистон ҳукумати Махатма Ганди номида Нобель мукофотига ўхшаган Тинчлик мукофотини таъсис этди. Бу юксак мукофот республика фуқаролари ва чет эллик арбоблар халқлар ўртасида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, диний, ирқий ва миллатлараро можароларга қарши курашишга қўшган буюк ҳиссаси учун берилади.

● Кубада 1986 йилда бекитилган деҳқон бозорлари яна очила бошланди. Ўтган шанба куни мамлакатда ана шундай 130 та бозор, шу жумладан аҳолиси 2 миллион бўлган Гаванада 15 та бозор иш бошлади.

● Россия Либерал-демократик партиясининг етакчиси В. Жириновский Пхеньянга ташриф билан келиб, Шимолий Корея давлат арбоблари билан учрашди.

● Хитой аҳолиси 1 миллиард 170 миллион кишига етди. Бу ер юзи аҳолисининг 22 фоизини ташкил этади. Ҳозир мамлакат аҳолиси йилига 16 миллион кишига кўпайиб бормоқда.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро йиғилиши қатнашчиларига

М У Р О Ж А А Т

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Сизларни — жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро йиғилиши қатнашчиларини қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий қутлайман. Анжуманингиз ўтказиладиган жой сифатида жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон танланганини бизни беҳад қувонтиради.

Халқимизнинг тарихий илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади. Ўзбек заминини дунёга Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Ат Термизий, Нақшбанд, Улуғбек сингари кўплаб улуғ мутафаккир ва алломаларни етказиб берган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларимиз Буюк ипак йўлининг муҳим нуқталари ҳисобланиши билан бирга, меъморчилик, маданият, фан ва санъат соҳасидаги мисли-сиз ютуқлари билан барча қитъалардаги сайёҳлар эътиборини тортиб келган ва келмоқда. Катта нуфузга эга бўлган жаҳон сайёҳлик ташкилоти халқаро йиғилишининг асосий мақсади «Ипак йўли» йўналишида жойлашган давлатларнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишдан иборат эканини қайд этиш бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистоннинг эшиклари барча учун очиқ. Давлатимизнинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат.

Анжуманингиз иши янги сайёҳлик дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда оммабоп йўналишлар очилишига кўмаклашишига ишончим комил.

Халқаро йиғилиш қатнашчиларига бу олижаноб ишларида муваффақият, бахт-саодат ва равнақ-фаровонлик тилашга ижозат бергайсизлар.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ватанни ҳимоя қилиш ишининг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳарбий бурчни виждонан бажаришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ва махсус ўқув юртлари курсантларининг ҳар ойлик пул таъминоти ўртача уч баравар оширилсин.

2. Ҳарбий хизматчиларнинг муддатли хизматни ўтиш вақти хизматнинг бир ойини икки иш ойига ҳисоблаган ҳолда уларнинг меҳнат стажига ҳамда мутахассислик бўйича иш стажига қўшилсин.

3. Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳамда ҳарбий қисмларнинг тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларга имтиёзли шароитлар бериб, тест синовлар чоғида улар тўплаган балларга имконини бўлган энг юқори миқдорга нисбатан 10 фоиз қўшилсин.

4. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оилалари улар муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда ер солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгани муносабати билан қуролли кучларимиз ташкил этилган эди. Қуролли кучларимиз ҳозир обёққа туриш ва камолат даврини бошдан кечирмоқда.

Халққа ҳалол ва виждонан хизмат қилиш билан давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда мустақил Ўзбекистон халқининг тинч меҳнати ҳимоясида турган армиямизнинг жанговарлигини ошираётган Ватанимизнинг содиқ фарзандлари қуролли кучлар сафини тўлдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ҳарбий соҳани мустаҳкамлашнинг барча масалаларини диққат марказида тутиб турибди ҳамда юрт ҳимояси ишининг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун шароитни яхшилаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, шунингдек, уларнинг ўз ҳарбий бурчларини виждонан бажаришини рағбатлантириш юзасидан тинмай ғамхўрлик қилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарори бу ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир. Қарорда шу йил 1 октябридан бошлаб ҳарбий хизматчилар ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати махсус ўқув юртларининг талабалари учун ойлик таъминот уч баравар кўпайтирилади, яъни, мисол учун, оддий аскар илгари ойига 30 сўм олган бўлса, 1 октябрдан бошлаб унинг ойлик таъминоти қарийб республикамизда ўрнатилган энг кам иш ҳақи даражасига кўтарилади.

Шуни қайд этиш муҳимки, илгари истеъфога чиққан ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлган вақти унинг иш стажига бирга бир даражасида белгиланар, яъни, у армияда 1,5 йил хизмат қилган бўлса, унинг умумий меҳнат стажини ҳисоблаганда бу рақам ўзгармай қолар эди. Энди эса, мазкур қарорга биноан, 1994 йил кузги чақирувдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматчиларнинг меҳнат стажи ва мутахассислик бўйича иш стажи бир ой хизмати учун икки ой қилиб белгиланади.

Маълумки, илгари ҳарбий хизматини виждонан адо этган муддатли ҳарбий хизматчилар олий ўқув юртларига танловдан ташқари кириш ҳуқуқига эга эди. Тест синовларига ўтилиши муносабати билан бу имтиёзлар ўз-ўзидан бекор бўлди.

Бироқ, республика раҳбарияти муддатли ҳарбий хизматни виждонан адо этган ва ҳарбий қисм раҳбариятидан тавсияномага эга бўлган ҳарбий хизматчиларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзли шароитлар яратиб беришни лозим топди. Тест синовларида бундай ҳарбий хизматчиларнинг йиққан баллига тест синовларида кўзда тутилган энг кўп йиғиндиси лозим бўлган балларнинг 10 фоизи қўшиб берилади. Масол учун, 1994 йилда республиканинг техник олий ўқув юртларига киришда йиғинди лозим бўлган энг юқори балл 346,6 бўлган бўлса, ўтиш балли 158,1 ни ташкил этган эди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига биноан муддатли хизматни тугатган ҳарбий хизматчилар эса, техник олий ўқув юртн талабаси бўлиш учун 123,5 балл йиғса бас эди.

Бу — гуманитар олий ўқув юртларига кирадиган ҳарбий хизматчилар йиққан баллга 30,2 балл, иқтисодий олий ўқув юртларига кирадиганларнинг баллига 34,4 балл, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларига кирадиганларга 30,0 балл, тиббиёт олий ўқув юртларига кирадиганларга 32,4 балл, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларига кирадиганларга 37,2 балл қўшилар эди демакдир.

Бу — жуда сезиларли ҳамда адолатли имтиёз эканк шундоққина кўриниб турибди.

Мамлакат фуқароси бир ярим йиллик умрини Ватанга беминнат хизмат қилишга, ўзининг ҳарбий бурчини виждонан адо этишга бағишлаган экан, у бунинг мукофотини ҳам олиши керак. Шунинг учун ҳам давлат ўзининг ватанпарвар ҳимоячиларига нисбатан ана шундай ғамхўрлик қилмоқда.

Шунисн ҳам муҳимки, мазкур қарорга биноан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оиласи шахсий хўжалик юритишга ажратилган ер, турар жой қурилиши ва унга хизмат кўрсатиш, шунингдек ем-хашак ўриш ва мол боқиш учун олинадиган солиқдан озод қилинади.

Республикамиз шароитида бу имтиёзларнинг аҳамияти мисленсиздир. Чунки бу имтиёзлар шарафли юрт ҳимоячиларини тарбиялаб етиштирган минглаб оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлайди.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган барча чора-тадбирлар юртни ҳимоя қилиш ишининг нуфузини оширишга, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат шароитини яхшилашга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, шунингдек ҳарбий бурчни виждонан адо этишни рағбатлантиришга қаратилгандир.

* *Ватанга хизмат— муқаддас бурч*

НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИҚ

● **Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар чақирув комиссиясининг кенгаши бўлиб ўтди.**

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. М. Абдураимов ҳарбий хизматга чақирув борасидаги ижобий натижаларни қайд қилиш билан бирга йўл қўйилаётган нуқсонларни ҳам айтиб ўтди. Жумладан, шаҳримизнинг айрим туманларида армияга чақирилувчиларнинг ўз вақтида чақирув жойларига келмаслик ҳоллари мавжуд. Бу айрим ёшларнинг ўз ватанпарварлик бурчига масъулиятсизлик билан қараши оқибатидир. Бундай ҳолнинг рўй бериши, мудофаа ишлари бўйича туман бўлимлари билан маҳалла қўмиталари, маҳалла оқсоқоллари ва армияга чақирилувчиларнинг ота-оналари ўртасида яхши узвий алоқалар йўлга қўйилмаганлигининг оқибатидир.

Кенгашда армияга чақирилаётганларни тиббий кўрикдан ўтказадиган шифокорларнинг масъулияти ҳақида ҳам сўз борди.

Мудофаа ишлари бўйича Тошкент шаҳар бошқармасининг бошлиғи У. Ҳ. Ҳасанов ўз сўзида баҳорги чақирув пайтида чақирилувчилар маълум бир қисмининг муқобил хизматга мос келмаганлигини айтди. Ана шу боисдан ҳам кузги чақирув пайтида масаланинг шу жиҳатларига эътиборни қаратиш, аввалги чақирув пайтида йўл қўйилган нуқсонларга барҳам бериш лозимлиги уқтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими А. Мавлонов ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг янада такомиллашган усулларини топиш, турли важ-карсонлар билан уларни армия хизматидан олиб қолиш ҳолларига барҳам бериш, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга кўпроқ жалб этиш масалаларига эътиборни қаратди.

Ватанга хизмат — муқаддас бурч. Шундай экан, ёшларни ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш масаласида шу ишга мутасадди бўлган барча ташкилотлар масъулият ҳиссини унутмасликлари керак.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссиясида

БИРИНЧИ МАЖЛИС

3 октябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни комиссия раиси Ғози Бухоров олиб борди.

Мажлисда комиссия раисининг ўринбосари этиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-муҳандислик марказининг директори Баҳодир Умаров, котиби этиб Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг мактаблар бўйича нозири Тамара Исмоилова сайландилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси, сайлов округларининг чегаралари, сайлов ҳужжатлари тасдиқланди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВЛАР БЎЙИЧА ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Комиссия раиси:

Бухоров Ғози — Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Комиссия раисининг ўринбосари:

Умаров Баҳодир Валиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-муҳандислик марказининг директори.

Комиссия котиби:

Исмоилова Тамара — Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг мактаблар бўйича нозири.

Комиссия аъзолари:

Баратов Нуриддин Мансурович — Агрегат заводи директорининг ўринбосари.

Галиев Рамиль Хаирович — Давлат муҳандислик-техника тадқиқотлари институтининг директори.

Зокиров Одил — Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўздавсувлойиҳа» институтининг бош мутахассиси.

Липина Валентина Ивановна — «Ўзбекистон» чармни қайта ишлаш акциядорлик жамияти техника назорати бўлимининг назоратчиси.

Миралимов Шавкат Аббосович — Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг раиси.

Расулов Ботир Қобилович — 5-таксн саройининг аккумуляторчиси.

Соҳибов Яшин Даминович — Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг директори.

Сотников Юрий Дмитриевич — Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари.

Турсунова Азиза Икромовна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар суяк-сил касалликлари санаторийсининг бош врачи.

Эгамбердиев Эминжон — Тошкент давлат юридик институти адлия хизмати факультетининг декани.

Эриназаров Эркин Маднёрович — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири.

Яцуненко Зинаида Филипповна — «Ўзқоғоз» акциядорлик корхонаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

МАЪЛУМОТ УЧУН: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссияси қуйидаги жойда жойлашган: Тошкент шаҳри, Моваройнаҳр кўчаси, 6, 33-хона. Телефон: 32-00-89.

THE 12th ASIAN GAMES HIROSHIMA 1994

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ

● Бокс бўйича ўтказилган саралаш баҳсларида вакилимиз Ҳикматилла Аҳмедов индонезиялик Талианк устидан ғалаба қозонди.

● Чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон терма жамоаси кореялик спортчиларга 0:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

● Биринчи кун мусобақаларидан сўнг гимнастикачиларимиздан Оксана Чусовитина 38425 очко, Дзюндзяк 36500 очко тўплашга муваффақ бўлдилар.

● Ўзбекистонлик теннисчилар Олег Огородов ва Дмитрий Томашевич Танланд вакилларини йирик ҳисобда догда қолдирдилар.

● Футбол бўйича Ўзбекистон терма командаси малайзиялик чарм тўп усталаридан 5:0 ҳисобида устун келдилар. Тўпларни Игорь Шквирин, Рустам Дўрмонов, (иккитадан) ва Андрей Фёдоров киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Эрон — Бахрейн— 0:0, Қувайт — Непаль — 8:0, Япония — Бирлашган Араб Амирликлари —1:1.

Бугун ўзбекистонлик футболчилар Таиланд терма командасига қарши майдонга тушадилар.

● Ҳозирги кунгача якунланган спорт мусобақаларида қўлга киритилган медаллар сони бўйича умумкоманда ҳисобида Хитой, Япония ва Корея спортчилари олдинда бормоқдалар.

Шуҳрат АРМОН.

ШАҲАРЛИКЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАН

Илгари хабар берганимиздек, йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. ТУЛАГАНОВ сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ўн бешинчи сессиясида сўзлаган нутқида билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида ахборот берди.

— Республика Президенти И. А. Каримовнинг Тошкент шаҳар Кенгаши ўн бешинчи сессиясида билдирган танқидий фикр ва мулоҳазаларини бажариш юзасидан тадбирлар қандай ижро этилаётганлиги доимий диққат марказида турибди, — деб таъкидлади К. Н. Тўлаганов. — Тошкент шаҳрида шу йилнинг саккиз ойи якунлари бюджетга солиқлар ва тўловлар тушумининг барқарорлиги таъминланганлигини кўрсатиб турибди. Бу соҳадаги режа 1 миллиард 625,5 миллион сўм бўлгани ҳолда 2 миллиард 300 минг сўм қилиб ёки 118 фоизга бажарилди.

Даромадли манбалар бўйича топшириқлар ҳам ошириб бажарилди. Хусусан, олиб чиқиб кетиш солиғи 2,3 баробар, патент учун ҳақ — 2,9 марта, даромад солиғи —117,9 фоиз, транспорт солиғи —109 фоиз қилиб бажарилди.

Тошкент шаҳрида пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадларида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ пул эмиссиясини қисқартиришнинг 1994—1995 йилларга мўлжалланган аниқ тадбирлари ишлаб чиқилган. Ҳозирги пайтда пойтахтда 95 та пул алмаштириш шохобчаси ишлаб турибди. Шу йил охиригача уларнинг сонини 100 тага етказиш режалаштирилган. Тижорат банклари эса валюта алмаштириш бўйича 8 та доимий ва 1 та кўчма шохобча ташкил қилдилар.

Шу йилнинг беш ойига нисбатан зарар кўриб ишлаётган корхоналар 10 тага камайди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сонини камайтириш мақсадларида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Тошкентдаги қатор корхоналарда зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил қилинди. Жумладан, илгари Ҳамдўстлик мамлакатларидан ва чет эллардан келтириладиган бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. 1994 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига истеъмол моллари тайёрлашни 6 миллион сўмликка кўпайтириш мўлжалланган.

Шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида бу маҳсулотларни деҳқон бозорларига бевосита даладан ташиб келтириш йўлга қўйилди. Қиш мавсумига мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва ғамлаб қўйиш бўйича ташкил этилган шаҳар қароргоҳи мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарда ўтказилган мева-сабзавот ярмаркаларида биргина июль-август ойларининг ўзида 8726 тонна картошка, 18 минг 750 тонна сабзавот, 5445 тонна мева, 682 тонна гўшт, 1 минг тонна гуруч, 146 тонна асал, 972 тонна узум, 2415 тонна дон, 5828 тонна полиз маҳсулотлари, 100 миллион 878 минг шартли банка мева-сабзавот консервалари сотилди. Бундан ташқари марказлаштирилмаган ҳолда харид қилиш ҳисобига июль-август ойларида Тошкентга 6569 тонна гўшт, 162 тонна шакар, 14,8 тонна чой, 217,5 тонна қандолат маҳсулотлари, 1 миллион 50 минг шартли банка мева-сабзавот консерваси, 974 минг дона тухум ҳамда ўнлаб миллион сўмлик бошқа маҳсулотлар келтирилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш изчил амалга оширилаяпти. Сентябрь ойида бўлиб ўтган ким ошди савдосида қатор савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари сотилди. «Марказ-4» мавзесидаги «Дўстлик» меҳмонхонаси, «Радиотехника» салондўкони, Шайхонтоҳур туманидаги ёпиқ бозордаги умумий овқатланиш мажмуасининг бир қисми, Акмал Икромов тумани «Ўрикзор» мавзесидаги 15-сон коттежи шулар жумласидандир. Илк бор Тошкентда тажриба тариқасида 3 та автомобильёнилғи қуйиш шохобчаси ҳам ким ошди савдосида сотилди. Бу савдолардан тушган маблағ шаҳар бюджети маблағларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилаш мақсадларида идораларга ва хусусий шахсларга тегишли автобуслардан фойдаланишни мувофиқлаштириш ҳамда уларда йўловчилар ташишга рухсатнома бериш бошқармаси тузилди. Натижада 191 та корхона ва ташкилотдан идораларга қарашли бўлган 576 та автобус йўловчилар ташишга жалб қилинди. Бугунги кунда улар 200 тага яқин йўналишда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга йўловчи транспортига ягона марказий бошқарув хизмати тузилди. Шаҳарда битта янги автобус йўналиши очилди. Транспорт хизматини такомиллаштириш мақсадида 26 йўналиш бўйича ҳаракат қайта кўриб чиқилди.

Шаҳар ҳокимлиги аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадлари учун 500 минг АҚШ доллари ажратди. Бу маблағлар ЛАЗ, ЛиАЗ ва ПАЗ автобусларига двигатель ҳамда эҳтиёт қисмлар харид қилишга, шунингдек Тошкент метрополитени учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга йўналтирилди. Ҳозирги қадар шаҳарга Чехияда ишлаб чиқилган 36 та троллейбус, 5 та трамвай, Туркия ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 205 та енгил автомобиль 90 та кичик автобус, шунингдек, «Мерседес-Бенц» ва «Неоплан» автобуслари олиб келинди.

Тошкентда пуллик автомобиль қўйиш жойларини қуриш ва бу жойларда автомобилларни сақлаш бошқармаси тузилди. Ҳозирги пайтда ушбу бошқарма турли идораларга қарашли автомобиль қўйиш жойларини ўз тасарруфига қабул қилишни бошлаб юборди. Яқин вақт ичида бу автомобиль қўйиш жойларини зарур жиҳозлар, шу жумладан, автоматлашган ускуналар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу йилнинг охирига қадар шаҳарда 3 та автомат телефон станциясини ишга тушириш, 79-автомат телефон станциясини таъмирлашни тугаллаш кўзда тутилган. Бу мақсадларга 590 минг сўм ажратилди.

Атроф-муҳитга зарар етказмайдиган электр транспортини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Яқин вақт ичида 4 километр узунликда трамвай ва 13 километр узунликда троллейбус йўналишларини фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Шу билан бирга 6 та подотанция ҳам ишга туширилади.

Савдода қатъий тартиб ўрнатиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Ноқонуний ўрнатилган 376 та лоток ва будкалар олиб ташланди. Савдо қоидаларини бузганликлари учун 12 минг 912 фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди. Солиқ идоралари улардан 1 миллион 762 минг сўм жарима ундириб олдилар. 512,3 минг сўмлик мол мусодара қилиниб, сотиш учун дўконларга топширилди.

Тошкентнинг ҳар бир туманида чанқовбосди ичимликлар сотишга ихтисослаштирилган биттадан шохобча очилди. Шаҳардаги нон маҳсулотлари корхоналари ишлаб чиқилган махсус режа бўйича ривожлантирилмоқда. Шу йилнинг охиригача аҳоли зич яшайдиган жойларда Германиядаги «Винклер» фирмасининг жиҳозлари ўрнатиладиган 25 та кичик нон корхонасини очиш мўлжалланган. Уларнинг дастлабкилари фойдаланишга топширилди. Пойтахтдаги 107 та нон дўкони «Ўзбексавдо» тизимидан «Тошкентнон» ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига ўтказилди.

Деҳқон бозорларидаги тартибни яхшилаш мақсадида уларда саноат маҳсулотлари билан савдо қилиш тугатилди. Отчопарда ягона шаҳар буюмлар бозори ташкил этилиб, уни жиҳозлаш бошлаб юборилди. Наврўз байрамигача республикада энг йирик бўладиган бу буюмлар бозорининг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш режаланган.

Соғлиқни сақлаш муассасалари иши ҳам яхшиланмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси июль ойининг ўзида поликлиникалар ҳамда тез ёрдам станциялари фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида уларга 73 нафар врач ва 31 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимини ишга юборди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларидан 7 тасида таъмирлаш ишлари тугалланди. Яна 52 тасида эса ана шундай ишлар олиб бориляпти. Келгуси йилнинг биринчи чорагига қадар шаҳар бирлашган кўп тармоқли касалхонаси, 1-юқумли касалликлар касалхонаси ва 15-касалхонани капитал таъмирдан чиқариш режаланган.

Август ойининг ўзида аҳолига 582,8 минг сўмлик дори-дармон сотилди. Шаҳар ҳокимлиги энг зарур, тақчил дори-дармонлар харид қилиш учун 500 минг АҚШ доллари ажратди. Шартномалар бўйича ҳозиргача 50 хил дори-дармонлар шаҳаргa келтирилди. Бошқа битимлар бўйича дори-дармонлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарини олиб келиш давом эттирилмоқда.

Ўқув юртларини капитал таъмирлаш учун қўшимча 7 миллион сўм ажратилди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, болалар боғчаларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари тугалланди. Янги ўқув йили арафасида барча туманларда мактаб бозорлари ташкил этилди.

Хусусий уй-жой қуришни ривожлантириш мақсадларида шу йил 1 сентябрига қадар фуқароларга 810 та ер майдони ажратиб берилди. Ҳолбуки, 1993 йилда ҳаммаси бўлиб 259 та, 1992 йилда эса 192 та ер майдони ажратилган эди. Ажратилган ер майдонлари умумий сонидан 959 тасида ҳозиргача қурилиш тугалланди. 2405 та ер майдонида эса шахсий иморатлар қурилиши бошлаб юборилган. «Ўзсаноатфуқарақурилиш», «Тошкентқурилиш» корпорациялари, «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Ўзтрансқурилиш» ассоциациялари, электрлаштириш ва энергетика вазирлиги, шаҳар ҳокимлиги қурилиш ташкилотлари шахсий уй-жой қурувчиларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. 1, 2-«Ҳасанбой», Ипакчилик институти, «Ўрикзор», «Ленин йўли», «Қўйлиқ» мавзеларини комплекс қуриш юзасидан қароргоҳлар фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳарда деҳқон бозорларини кенгайтириш, уларни таъмирлаш ишлари кенг кўламда давом этяпти. Оҳангарон шоҳ кўчаси, Рисовой кўчаси, Юнусобод даҳасининг 13 ва 19-мавзеларида янги бозорлар қурилиши бошлаб юборилди. Жанубий вокзал ҳамда шаҳарнинг яна ўнта бозорида таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Деҳқон бозорларини қуриш ва таъмирлашда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Нон маҳсулотлари» концерни, «Тошқишлоқмаш», «Ўзэлектроаппарат» корхоналари ва бошқалар фаол иштирок этмоқдалар.

Эски шаҳар аҳолисига зарур қулайликлар яратиш мақсадида бу ерда кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари бошланди. Жумладан, Қорасарой, Чимбой, Чигатой, Сағбон кўчаларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Янги қурилишлар ва йўллар барпо этилаётган жойда истиқомат қилаётган мингтадан кўпроқ хонадон учун квартиралар қуришга киришилди. Эски шаҳар аҳолисига бериш учун 700 тадан кўпроқ ер майдони ажратилмоқда.

«Маҳалла» дастурини амалга ошириш юзасидан шу йилнинг саккиз ойи мобайнида 10,1 километр узунликда ичимлик сув, 40,5 километр узунликда оқава қувурлари, 20 километр газ тармоғи ўтказилди. Бу белгиланган топшириқлардагидан анча ортиқдир. Йил охиригача эса қўшимча равишда 5,1 километр узунликда ичимлик сув қувури, 15,9 километр узунликда газ тармоғи фойдаланишга топширилади. Умумий ҳажми 41,5 минг квадрат метр бўлган йўл ва йўлкалар, 4,7 километр узунликда сув шохобчалари капитал таъмирланади, 5,5 гектар майдонда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.

«Ўрикзор» мавзесида мактаб, Янги Ўзбекистон кўчасидаги поликлиника, Чоштепа кўчасидаги болалар боғчаси қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги арафасида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан Амир Темур хиёбони таъмирланди. Матбуотчилар кўчасида янги фавворалар ишга тушди. Мирзо Улуғбекка ўрнатилган ҳайкал атрофидаги боғда Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси кутубхонасининг хиёбони, Абдулла Қодирий боғида кенг кўламда таъмирлаш ишлари бажарилди. Ўзбекистон миллий боғи янада кенгайтирилди. Фурқат кўчасидаги фаввора таъмирланди. Абай, Ўзбекистон, Фарғона йўли, Шароф Рашидов, Буюк Турон, Сулаймонова, Ўзбекистон кўчаларини кенгайтириш ва ободонлаштириш юзасидан ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Умуман 1994 йил топшириқларига мувофиқ умумий ҳажми 140,3 минг квадрат метр йўл, 10,3 минг квадрат метр йўлка, 10,3 километр узунликдаги ёритгич тармоқлари, 10,9 километр узунликдаги сув шохобчалари капитал таъмирланди, 6,95 гектар майдонда кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Шаҳарда қиш мавсумига махсус режа бўйича катта тайёргарлик кўрилмоқда. Белгиланган ишларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш имкониятлари ишга солинмоқда. Коммунал хўжалиги эҳтиёжлари учун 150 тага яқин машина-ускуна, шу жумладан ғарбда ишлаб чиқилган жуда самарали асфальт ётқизиш машинаси келтирилди.

Шу йил июль-август ойларининг ўзида шаҳарда 191,2 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Шу жумладан, 154,1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Таъмирлаш ишларидан ташқари, 6 минг 200 квадрат метр сатҳга эга бўлган уй-жойлар, 2076 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, бир кунда 750 беморни қабул қиладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли қароргоҳларига мувофиқ Тошкент вилояти баъзи ҳудудларини Тошкент шаҳрига топшириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Жиноятчиликка қарши кураш янада кучайтирилди. Шу туфайли ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарда жиноятлар сони 12,3 фоизга, шу жумладан қотилик 19,2 фоизга, давлат мулкини ўғирлаш 33,1 фоизга, шахсий мулкни ўғирлаш 7,9 фоизга, босқинчилик 14,3 фоизга, талон-тарожлик 11,8 фоизга камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Тошкент шаҳар Кенгаши ўн бешинчи сессиясида сўзлаган нутқида билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни бажариш юзасидан ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Сессия Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлагановнинг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

ШУНДАН сўнг депутатлар Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — шаҳар ҳудудий коммунал—фойдаланиш бирлашмасининг бош директори **Р. Ҳикматуллаев**нинг шаҳар хўжалигининг 1994—1995 йил кузги-қишки мавсумга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

— Бу масаланинг ғоят муҳимлигини инобатга олган ҳолда май ойидаёқ 1994—1995 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш режалари тасдиқланган эди, — деди у. — Бу ишларни ташкил этиш ва назорат қилиш учун шаҳар қароргоҳи ҳам тузилди. Бу қароргоҳ ҳар ҳафтада ўтказиладиган мажлисларида туманлар ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан ҳисоботларини тинглаб борди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўрди.

Кенг кўламли тадбирлар натижасида ҳозир ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг асосий қисми куз-қиш мавсумига тайёрлаб қўйилди. Шаҳардаги 10 мингдан кўпроқ уй-жой бинолари ҳам асосан бу мавсумга тайёрлаб бўлинди.

«Тошиссиқлик т а р м о ғ и» бирлашмаси 6,5 километр узунликда янги магистраль иссиқлик тармоқлари ўтказди. Бу қарийб 20 минг аҳолини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш имконини беради.

«Тошиссиққоммунқ в в а т» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам режа бўйича 75 километрдан ортиқ иссиқлик тармоқларини қайта тиклади, 142 та қозонхонадан 43 таси ҳам мукаммал таъмирлаб қўйилди.

Шаҳар ҳокимлиги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун зарур материал ва жиҳозлар сотиб олиш учун 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди. Бу маблағлар ҳисобига 5 минг тонна қувур, 600 минг квадрат метр ойна, 1,5 миллион квадрат метр рубероид, етарли даражада битум ва бошқа материаллар харид қилинди.

Маълумки, яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов қишга тайёргарлик кўришда жиддий камчиликлар мавжудлигини жуда ҳаққоний танқид қилди. Шаҳар хўжалигини қиш мавсумига тайёрлашда ҳам ҳали ҳал этилмаган муаммолар кам эмас. Хусусан, пайтахтдаги 1775 та корхонадан қарийб 600 таси мавсумга тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказган эмас. Уларда белгиланган ишлар тугалланмаган. Коммунал хўжалигида ҳам камчиликлар кўп.

Қиш жиддий синов даврида. Шундай экан, бутун шаҳар хўжалигини бу масъулиятли паллага тайёрлаш учун барча идоралар, корхона ва ташкилотлар, туманлар раҳбарларидан керакли чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Бу ахборот ҳам маълумот учун қабул қилинди.

СЕССИЯ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича сайлов округлари сонини тасдиқлади ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар ўтказадиган шаҳар комиссияси таркибини тасдиқлади. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Ғ. Бухоров** комиссия раиси этиб тасдиқланди.

СЕССИЯ Тошкент шаҳар ҳокимининг:

— бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ю. А. Асепковни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш;

— Ҳ. М. **Абдураимов**ни Собир Раҳимов тумани ҳокими лавозимидан озод этиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш;

— бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Б. Э. Ҳўжаевни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи лавозимидан озод қилиш;

— **Б. А. Хўжаев**ни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи этиб тасдиқлаш;

— бошқа ишга ўтиши муносабати билан И. П. Шодмонқуловни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимидан озод қилиш;

— бошқа ишга ўтиши муносабати билан Б. Қ. Алиевни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимидан озод қилиш;

— бошқа ишга ўтиши муносабати билан Б. Д. Ҳусанбоевни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимидан озод қилиш;

— **Б. Н. Мақсудхўжаев**ни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари этиб тайинлаш;

— бошқа ишга ўтиши муносабати билан О. Х. Асқаровни Сирғали тумани ҳокими лавозимидан озод қилиш;

— **А. М. Мирқосимов**ни Яккасарой туманининг ҳокими этиб тайинлаш;

— бошқа ишга ўтиши муносабати билан А. К. Қосимовни Юнусобод тумани ҳокими лавозими вазифасидан озод этиш;

— **Т. Маҳаметов**ни Юнусобод тумани ҳокими этиб тайинлаш;

— **З. И. Асадов**ни Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси ташкилий ва кадрлар билан иш олиб бориш бўлимининг мудири этиб тайинлаш;

— бошқа ишга ўтиши муносабати билан Қ. Т. Ризаевни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш;

— **М. А. Зиёевани** Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлаш;

— бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ш. Р. Иброҳимовани Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси вазифасидан озод қилиш;

— **Ю. Ш. Ражабов**ни Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги фармойишларини тасдиқлади.

ШУ БИЛАН йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир цехида меҳнат қилаётган ишчилар ўз зиммаларидаги топшириқларини ортиғи билан адо этишмоқда. Шунинг билан бирга халқимиз учун сифатли мебель маҳсулотлари етказиб беришаётир.

Жамоанинг йиғув цехида эса ҳар кундагидан кўра иш қизғин бўлишига қарамай, тайёрланаётган ярим тайёр маҳсулотлар пешма-пеш йиғилиб, савдо шохобчаларига жўнатилмоқда. Шу цехнинг илғор ишчиларидан Ниғмат Ғофуров ва Усмон Худоёровлар бошқаларга намуна бўлиб меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: Ниғмат Ғофуров ва Усмон Худоёровлар иш жараёнида.

Қувончли воқеа, яхши хабарнинг қаноти бор деб бежиз айтишмайди. «Тошкент тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Холида Раҳматуллаева давлатимиз томонидан «Дўстлик» ордени билан тақдирланган куни корхона қўнғироқлари тинимсиз жиринглаб, опани йўқлаганлар кўпчиликни ташкил этди. Бирлашманинг пардозлаш фабрикаси назоратсаралаш цехида эса қўш байрам нишонланди. Ўша куни Холида опанинг шу жамоага келиб ишлаганига 45 йил тўлган эди.

* *Уларни юрт тақдирлади*

КАМТАРГА КАМОЛ

— Ҳалол меҳнат қилганларни тақдирлаш, бунинг устига орденлар ҳам ўз эгасига топширилса жуда қувончли бўлар экан, — дейди суҳбатдошимиз — пардозлаш фабрикасининг бош муҳандиси Пўлатжон Холматов. — Мана ўн йилдан буён Холида опа билан бирга меҳнат қилиб келаяпман. Жамоамизда шундай ҳақиқатгўй, талабчан ва меҳнаткаш аёл борлигидан фахрланаман. Холида опанинг ажойиб хислатларидан яна бири фақат ишдагина назорат қилиб қолмай, янги ишга келган ходимлар бўлсин, аввалдан бирга ишлаётган ҳамкасабалари бўлсин барча соҳада оналик назоратларини, тергашларини аямайдилар. Мана шунинг учун ҳам бўлса керак, унга ҳаммамиз «Бизнинг онамиз» деб мурожаат қиламиз.

— Холидахон билан кўп йилдан буён бирга ишлаймиз, — дея суҳбатимизга қўшилди цех бошлиғи вазифасини бажарувчи Роза Хромова. — Миллатимиз ҳар хил бўлса ҳам лекин муносабатимиз опа-сингилдай. Оғир кун бўлсин, қувончли кунлар бўлсин у ҳамиша шерик бўлади. Холида опанинг меҳнатга чанқоқлигини кўриб, у кишининг ишларганини кўриб, бунинг устига «Дўстлик» ордени ўзининг ҳақиқий эгасига топширилганидан беҳад хурсандмиз.

Назорат-саралаш цехида ким билан суҳбатлашмайлик опа ҳақида жўшиб гапиришди.

Жамоа аъзолари билан суҳбатлашиб бўлгач, қўли-қўлига тегмай ишлаётган опани бир зум суҳбатга чорладик. Юзларидан табассум ёғилиб, кўзи нурга тўлиб бизларни қарши олдилар. «Иш фаолиятингиздан сўзлаб беринг» десак, камтарлик билан «Нима ҳам дердим» деб қўяқолдилару, лекин бундан 45 йил аввалги ишга келган вақтлари кўз олдиларидан ўтди шекилли, аста сўз бошладилар:

— Бундан қирқ беш йил муқаддам ҳали 16 ёшга тўлмаган, бўйлари пасткаккина қизча эдим. 17 ёшга тўлган опамни ишга олиамиз дейишдию, мени ёш деб қайтариб юборишмоқчи бўлишганди. Ўшанда ҳам ғайратим тутиб, «Аввал бирор ишни топширинглар, агар эплолмасам кейин майли ишга олмасаларингиз ҳам кетаверараман» деб туриб олганман. Урушдан кейинги давр. Шароит оғир. Лекин шунга қарамай уч сменалаб ишлашга киришдик. Машиналарга бўйим етмаса оёғим остига столчалар қилиб беришарди. Ўзимдан катталардан қолмай ишлашга ҳаракат қилардим. Мана бугунги кунда шу меҳнатларимнинг ҳосиласи рўёбга чиқмоқда.

1966 йилда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланганимда ҳам фақат мен эмас, менинг маслаҳатгўйларим, жамоа аъзолари, барчамиз чексиз қувонган эдик. Мустақил Республикамизнинг «Дўстлик» орденига муяссар бўлганимдан мамнунман...

Назорат-саралаш цехида 30 та саралаш дастгоҳида меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи смена давомида режадаги 8800 метр ўрнига 10—12 минг метр пардоздан чиққан газламани назоратдан ўтказиб беришади. Холида Раҳматуллаева эса улар назоратидан ўтган матоларни яна қайта синчиклаб текширади. Агарда эътиборсизлик қилган ишчининг иши кўзга ташлангудек бўлса Холида опа зудлик билан унга ўз маслаҳатини беради. «Камтарга камол» деб шуни айтадилар-да. Ҳар касбнинг ўз устаси бўлади. Назорат-саралаш цехида Холида опа ҳам ана шундай фидойилардан. Истардики уларнинг сафи янада кенгаяверсин.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

* *Мустақиллик мевалари*

ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ САРИ

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида ўтказилган талабаларнинг илмий-амалий анжуманида «Ўзбекистон — жаҳон тажрибалари сари» мавзуига бағишланди. 3-курс талабаси Шуҳратбек Мамасидиқов раислигида «Сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий тадқиқотлар илмий маркази» томонидан тайёрланган ушбу анжуман талабаларнинг биринчи амалиёт сафарларининг якуний натижалари муҳокамидир.

Чунончи, 1993—94 ўқув йилида университетда таълим олаётган талабалар учун Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия элчихоналарида ўз назарий билимларини амалиётда қўллаб, янада чуқурроқ эгаллаб олишлари учун имконият яратилгани, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон тажрибалари сари ташлаган муҳим қадамларидан далолат беради.

Анжуманда сўзга чиққан талабалар зиммаларига юкланган масъулиятни чуқур ҳис эта олганликлари, мустаҳкам билим даражаси сари интилганликлари маърузаларининг кенг, аниқ ва мукаммал эканлигида ҳам яққол намоён бўлди. Маърузалар Ҳиндистон ташқи сиёсати, дипломатия, Россиянинг ташқи ва ҳарбий сиёсати, Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси ходимлари учун яратилган ижтимоий-маиший шарт-шароитлар, Жанубий Корея иқтисодий ривожланишининг бир неча томонлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёдаги тинчликсевар сиёсати мавзуларини ўз ичига қамраб олди. Университет раҳбарияти, профессор ўқитувчилари, республика Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, талабалар ҳамда йиғилган бошқа мутахассисларнинг саволларига талабалар муфассал жавоб қайтаришди.

Робиябону АКРАМОВА.

Пойтахтдаги 2-нон корхонаси бугунги кунда ҳамшаҳарларимизни ўз вақтида сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда корхона ишчилари кунига 30—35 тонна унни ёпиб дўкон пештахталарига пешма-пеш етказиб беришмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Анвар Мирзаҳмедов тайёр нонларни махсус идишларга жойламоқда.

Козим Ўлмасов олган суратлар.

ЯГОНА ҚОИДА БЎЙИЧА

Кейинги йилларда Тошкентда туманлар ҳокимликлари ҳиммати туфайли эгалари турли корхона, ташкилот, муассаса, кооперативлар бўлган кўплаб пулли автомобиллар тўхташ жойлари пайдо бўлди.

Уларнинг автотранспорт эгаларига кўрсатаётган хизмати муҳим ва зарурдир. Ҳайдовчилар пулли автомобиллар тўхташ жойларида ўз машиналарини қолдирар эканлар, уларнинг сақланишидан таъминланган бўладилар.

Бироқ, шаҳар солиқ инспекциясининг пулли автомобиллар тўхташ жойлари бўйича ўтказган текширувлари уларнинг фаолиятида кўплаб молиявий ва бошқа тартиб бузилишларини аниқлади.

Ана шунга эътиборни қаратиб, шаҳар ҳокимлиги автомобиллар тўхташ жойлари ишини тартибга келтириш ва уларнинг фаолияти юзасидан назорат ўрнатиш мақсадида ўз қарори билан Тошкент шаҳар пулли автомобиллар тўхташ жойлари бошқармасини ташкил этди. Бу бошқарма шаҳар ҳокимлигининг бўлинмаси сифатида барча автомобиллар тўхташ жойларини ўз тасарруфига олади, уларни автоматик қабул қилиш ва кўрсатилган хизмат ҳақи тўлашни ҳисобга олиш воситалари билан, бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлайди. Автомобиллар тўхтайдиган жойларнинг ҳудуди санитария-экология талаблари ҳисобга олинган тарзда тартибга келтирилади. Шунингдек, уларнинг фаолияти устидан, шаҳар бюджетига ўтказадиган солиқлари устидан назорат ўрнатилади.

Бундан ташқари пулли автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятининг ягона қоидаси қабул қилинади, улар кўрсатадиган хизматга ягона ҳақ тўловлар белгиланади.

Ўзбекистон ҳукумати маҳаллаларга катта эътибор билан қараяпти. Тошкент маҳаллаларида, айниқса Эски шаҳар қисмида амалга оширилган ишлар бунга гувоҳлик бериб турибди. Биз амалда барча маҳаллаларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаб бўлдик. «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилиши, пойтахтимизда ишлаб чиқилган махсус «Маҳалла» дастури шаҳардаги кўпгина муаммоларни изчил ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Маҳалладош

«МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Тошкент шаҳар ҳокимлиги инфратузилма тармоқлари ва энергия заҳираларини таҳлил қилиш ҳамда мўлжаллаш бўлимидан олинган маълумотларга кўра пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида «Маҳалла» дастурининг бажарилишига алоҳида эътибор берилялти. Газ тармоқлари бўйича йиллик режа 35,9 километр белгиланган бўлса 6 ой ичида бу кўрсаткич 20 километрга етказиб бажарилган. Шу давр мобайнида С. Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида 14,7 километр масофага газ тармоқлари ўтқазилди.

* * *

Сув қувурлари тармоқлари қурилиши бўйича айниқса, Шайхонтоҳур туманида юқори натижага эришилган. 6 ой давомида йиллик режа икки баробар ортиғи билан бажарилиб, 2,18 километр узунликдаги сув қувурлари ўтказилган. С. Раҳимов туманида эса бу кўрсаткич 1,5 километрни ташкил этади.

* * *

А. Икромов туманида 4,45 километр узунликда, С. Раҳимов туманида 8,49 километр, Шайхонтоҳур туманида 2,97 километр масофада оқава сув ва чиқиндилар тармоқлари қурилиши амалга оширилган.

* * *

Электр тармоқларини таъмирлаш Эски шаҳар бўйича 8 километрни ташкил этди.

* * *

Шу йилнинг 6 ойи мобайнида А. Икромов туманида 3,3 километр, Шайхонтоҳур туманида 0,5 километр масофадаги электр тармоқлари таъмирланган. Шулардан асосий қисми Эски шаҳар маҳаллаларида бажарилди.

* * *

С. Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида 12,4 квадрат километр масофада йўл ва йўлкалар тубдан таъмирланди.

* * *

Булардан ташқари, пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган маҳаллаларда гузарлар бунёд этиш, озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари қуриш, уй-жойларни таъмирлаш борасида ҳам талайгина ишлар бажарилганини қайд этиш зарур.

** Энг афзали—тотувлик*

БАҒРИ КЕНГ ОДАМЛАР

Ўтган йили шундоққина Абдулла Қодирий боғига туташган Наби Жабборов номли маҳаллада бўлиб ўтган тўй ҳамон ёдимизда. Хонадон соҳибаси Мадина ая Одилова Замира исмли қизни хонадонига етаклаб келиб, бир қанча вақт бирга яшади. Куёв топиб, уйли-жойли қилди. Маҳалла-кўй ҳам қараб турмади, баҳоли қудрат ёрдам берди.

— Замирахон қўчқордек ўғил кўрди, — дейди маҳалла оқсоқоли Наби Жўрабоев. — Ҳозир умр йўлдоши билан бахтли турмуш кечираяпти. Аяникига тез-тез келиб туради, у кишини худди ўз онасидек эъзозлайди.

Эски шаҳарликлар азалдан ана шундай бағри кенг одамлар. Бу гўшада истиқомат қилаётган оилалар тотув турмуш кечираяпти. Мавжуд муаммолар шароитдан келиб чиқиб, вазминлик билан ҳал қилинаяпти.

Кейинги уч йилда, республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ушбу масканда сезиларли ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда бу ҳудуднинг биргина Собир Раҳимов туманидаги 13 минг хонадоннинг деярли барчаси табиий газдан баҳраманд бўлди. 60 километр узунликда канализация қурилди. 1995 йил охиригача Форобий шоҳ кўчасининг бир қисми ва бошқа жойларга ҳам ўтказиш мўлжалланган. Форобий, Қорасарой, Сағбон, Чувалачи кўчаларига ичимлик суви учун 20 километр қувурлар ётқизилди. Барча шоҳ кўчалар асфальтланди, энди навбат боши берк кўчалар ва ўтувларга.

Эски шаҳар аҳолиси кўп вақтдан бери транспортдан қийналиб келади. Яқин келажакда Қорасарой, Форобий ва Сағбон кўчалари кенгайтирилиб, икки томонлама қатнов йўлга қўйилади. Шунингдек, троллейбуслар йўналиши очилиши кутилмоқда. Катта йўл тушаётганлиги сабабли бузиладиган хонадонлардаги аҳвол ҳокимлик томонидан ўрганилаяпти. Оилаларга шу яқин ўртадаги Беруний ёки Себзор даҳасида қурилган кўп қаватли уйлардан жой берилади. Иморат қуришни истаганларга эса ер майдони ажратилади.

Айни пайтда шаҳримиз архитекторлари Эски шаҳарнинг қайта қуриладиган жойлари лойиҳасини яратмоқдалар. Бунда албатта қадимий гўшанинг миллий қиёфасини сақлаб қолиш, замонавий руҳ беришга ҳаракат қилинаяпти. Қувончли томони шундаки, маҳаллалардаги эски гузарлар ўрнига маданият марказлари барпо этилади. Маиший хизмат шохобчалари, дўконлар, чойхона, маҳалла идораси, ёшлар учун хоналар ва бошқа қулайликларга эга бўлган 10 дан ортиқ мажмуаларнинг лойиҳаси тайёрланаяпти. Абдулла Қодирий боғи қайта таъмирланиб, ажойиб масканга айлантирилди. Шастри номидаги 24-мактабда болаларга яратилган шароитдан кўпчиликнинг хабари бор. Шу кунларда 23-ўрта мактабда ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти.

— Эски шаҳар аҳолисининг асосий қисми бизнинг ҳудудимизда яшашади, — деди С. Раҳимов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Наримон Абдужабборов, — Давлатимиз етарли шарт-шароитлар яратиб бериш учун маблағни аямаётир. Шу билан бирга сер-ҳиммат, меҳр-оқибатли одамларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Маҳаллаларнинг аҳли юзага келаётган муаммоларни имкони борича ўз кучлари билан ҳал қилмоқдалар. Режаларимиз катта. Кўзлаган ниятимизга етгач пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги маҳаллалар янада обод ва кўркам бўлади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Баъзи ҳамшаҳарларимиз пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисми қанча ҳудудни эгаллаган ва қандай шаклланиб борганини яхши билишмайди. Шу боис унинг тарихи билан боғлиқ маълумотларни келтиришга жазм этдик.

Тарихга бир назар

XIX аср охирларида Тошкент Туркистонда энг йирик шаҳарга айланганида Эски шаҳар ҳудуди 1,5 минг гектарни ташкил этган. Маъмурий жиҳатдан у тўрт даҳага — Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳурга бўлинган. Ҳар бир даҳанинг ўз ҳокими бўлган. Шу даврда Эски шаҳар ҳудуди аста-секин кенгая бошлади. Шу боис деворлар вақт ўтиши билан бузиб ташланди. 1883 йилда шаҳар думаси Эски шаҳарнинг 17 кўчасига ном берди: кўчалар Шайхонтоҳур, Тахтапул, Чиғатой ва бошқа номлар билан аталди.

Эски шаҳар бозори (ҳозир Чорсу) қадимдан машҳур бўлиб келган. Ўтган асрларда бозор чет мамлакатлардан карвонлар келиб кетадиган йирик савдо маркази бўлган. Шаҳарнинг барча дарвозаларидан йўллар бозорга бориб тақалган. Атрофи карвонсарой, омборхона, устахоналар, ҳунармандларнинг дўконлари, уй-жойлари билан ўралган. Бу ерда жарчилар фармонлар, муҳим хабарларни эълон қилган. Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёзилишича, бозорнинг дўкон расталари Чорсудан қандолатпазлик дўконигача давом этган. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам савдо-сотиқ қилинган, дор ўйинлари бўлган, чойхоналарда кулги-ҳазил саҳналари уюштирилган. Шарқ бозорининг ўзига хос қиёфаси Кўкалдош мадрасаси, Жоме масжид, Хўжа Аҳрор мадрасаси билан уйғунлашиб кетган эди.

Эски Жўва (собиқ Калинин) майдони Зарқайнар ва Сағбон кўчалари оралиғида IX асрда вужудга келган. Майдон ён атрофида қадимги Бинкат шаҳар арки (ҳоким саройи, зарбхона, зиндон, қурол-аслаҳа омбори, масжид, мадраса) жойлашган.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳар бир даҳанинг чегараси катта бозор — Чорсудан бошланган. Даҳалардаги гузар ва маҳаллалардан ташқари шу маъмурий бирликлар доирасига киритилган чекка ерларда мавзелар ҳам бўлган. XIX асрнинг 70-йилларида Тошкентда 154 маҳалла ва гузар, 175 га яқин мавзе бор эди.

Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмини қайта таъмирлашда унинг ўзига хос жиҳатлари ва қиёфасини сақлаб қолишга ҳаракат қилинаётгани қувончлидир.

Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида кейинги пайтларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар ана шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини мамнун этмоқда. Бу ерда «Маҳалла» дастури бўйича бажарилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Сураткаш мухбиримиз Козим Улмасов тасвирга туширган бу лавҳаларда Эски шаҳар кўчалари, маҳаллалари, савдо расталаридаги ҳаёт ўз аксини топган.

Бинобарин, кўчада бирор танишини учратиб қолган одам ҳам ўз ишларидан, маҳалла ҳаётидан гапиради. Дов-дарахтларга бурканган маҳаллалар кўчаларини, эшик олдларини эрталаб келинчаклар супуриб-сидириши ажойиб удумларимиздандир. Пешона тери билан қурган уйини кўз қорачиғидек асраш, ҳовлига турли дов-дарахтлар ва гуллар ўтқазиш ҳам таҳсинга лойиқ ишлардандир. Тўй-ҳашамларда ёш-қарияларнинг, лобар қиз-жувонларнинг ўзаро гурунглари дилларга қувонч бағишлайди. Ҳунарманд усталаримиз тайёрлаган уй-рўзғор буюмлари ҳам кундалик турмушимизда жуда асқотади.

Бир сўз билан айтганда, Эски шаҳар маҳаллаларидаги ҳар бир куннинг ўз файзи, нашъу-намоси бор...

ВАТАН ИЧИДАГИ ВАТАН

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи асосий мавзулардан бўлиб турибди. Айниқса Президентимизнинг 23 августда қабул қилган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармонидан сўнг бу масала янада жиддийлашди. Бу борада Шайхонтоҳур тумани бўйича кам таъминланган оилалар билан ишлашни янада жиддий йўлга қўйиб, бундай оилаларни тўлиқ ўрганиш учун махсус комиссия тузилди. Туман «Маҳалла» хайрия жамғармасининг масъул котиби Хуршид Умаров бошчилигида махсус раёсат тузилиб фаол оқсоқоллар билан биргаликда аҳолининг ижтимоий аҳволи ўрганилиб, лозим бўлган ҳужжатлар тайёрланмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг шароитидан келиб чиқиб уларга ўртача ойлик иш ҳақининг бир ярим баробаридан уч баробаригача бўлган миқдорда жамғарма томонидан моддий ёрдам бериш назарда тутилган.

Ижтимоий ҳимоя деганда туманимиздаги Эски шаҳар даҳаси аҳолиси алоҳида эътибор талаб этади. Шунга кўра ўтган қисқа вақт ичида даҳадаги 14 та маҳалла газлаштирилди. 104 та хонадонга жамғарма ҳисобидан бепул газ ўтказиб берилди. Эски шаҳарликларни қийнаётган яна бир муаммо — канализация масаласи экани сир эмас. Бугунги кунда даҳадаги «Янгишаҳар», «Туркқўрғон», «Баҳор», Маннон Уйғур, Камолиддин Беҳзод, «Шарқ» маҳаллалари аҳолиси шаҳар канализациясидан фойдаланиш имконига эга бўлишди.

Ҳозирга қадар қилинган барча ишлар, аҳолини ўрганиш натижалари, шунингдек мавжуд шароит шуни тақозо қилмоқдаки, ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятларини йўлга қўйиш даркор. Шунга кўра тумандаги жами 60 маҳалланинг ҳар бирида жамғарма қошида ўша маҳалла номи билан юритилувчи кичик корхона очишга эришдик. Бу корхоналарга ишни юргизиб олгунча 6 ойга қадар 1000 сўмдан моддий ёрдам бериб турилади. Қилинаётган барча ишларда маҳалла Ватан ичидаги Ватан эканини ҳисобга олиб, барча оқсоқолларга фармонга асосан ариза ва қарор қабул қилишда виждон амри билан ёндошиш тавсия этилди.

Хислат СОДИҚОВ,
Шайхонтоҳур туман «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси.

АСОСИЙ ТАЯНЧИМИЗ

Ўзбекистондек ажойиб юртда туғилиб, ўсиб вояга етишнинг ўзи бахт деб биламан. Яратган бизга шундай маконни лойиқ кўрган экан, кексаю ёш, олиму фозиллар, ишчи-деҳқон, ҳаммамиз ҳамжиҳатлик билан иш юритиб, она заминимизнинг қадрига етиб, уни обод, кўркам қилайлик. Шунда биз она сутини оқлаган, Ватанимиз олдидаги бурчимизни адо этган бўламиз.

Бундай масъулиятли вазифани адо этишда, мустақил республикамиз фуқаролари билан бир қаторда маҳалла оқсоқолларининг ҳам қимматли маслаҳатлари, тажрибалари қўл келади. Шу ўринда туман ҳокимлигининг иш тажрибасини эслаб ўтсак ўринли бўлар. Ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлар ўтказилади. Бунда бир ой ичида қилинган ишлар, тўпланиб қолган муаммолар, ижро этувчи бўлим бошлиқлари билан бақамти, очиқчасига ҳал этилади. Шу боис ҳам туманимизда ташкилотчилик ишлари кўнгилдагидек бораяпти. Илгари маҳалламизда одамлар ерда ётган чўпни бу ерга олиб қўймасдилар. Эндиликда барчада кўтаринкилик, ўз юртига, уйига, маҳалласига эгалик ҳисси пайдо бўлди. Маслаҳатларнинг бирида чойхонани таъмирлаш, маҳаллага идора қуриш масаласи ўртага ташланди. Раис ўринбосари Турғунхўжа Тиллахўжаев чойхона таъмири, идора қурилишига бош-қош бўлишни ўз зиммасига олди. Шу тариқа маҳаллада ободончилик ишлари бошланиб кетди. Икки қаватли иморат қад ростлади. Биринчи қават идиш-товоқ учун, иккинчи қавати идорага берилди. Маҳалламизда қаровсиз ётган ер текисланиб, юз тупдан ортиқ мевали дарахт ўтқазилди. Оқариб ётган ерга беда уруғи сепилди. Ахлат уюми ётган ерда кўкаламзор яратилиб, «Истиқлол боғи» деб ном берилди. Шундай қилиб, маҳалламиз кўкаламзор масканга айлана бошлади.

Яна шуниси қувончлики, хонадонлар тўла газлаштирилди. Катта тандир қурилди, газ сув будкаси ўрнатилди. Маҳалланинг тарихий «Ҳовуз бўйи» номи қайтарилди. Ариққа нов қўйилди.

Ҳокимлик ёрдами билан қилинган бу ишлар маҳалла аҳлининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. Яқин келажакда болалар, кекса отахонларнинг соч-соқолларини текинга оладиган сартарошхона қуриш ниятимиз ҳам бор. Шу тариқа пойтахтимиздаги қадимий маҳаллалардан бири тобора обод бўлиб бормоқда.

Зиёвуддин ОРИПОВ,
Собир Раҳимов туманидаги «Ҳовуз бўйи» маҳалласининг оқсоқоли.

** Деҳқон бозорларида*

ШАРҚНИНГ ГЎЗАЛ ГЎШАСИ

Чорсу бозорини яқин атрофда билмайдиган киши бўлмаса керак. Унинг ўтмиши бир неча юз йилликлар билан боғлиқ. Тўрт томондан кетган йўлни туташтирувчи бозордаги шукуҳли карвонлар етти иқлимни ажойиботлари, ноз-неъматлари билан тўлдирган.

Бугунги кунга келиб Чорсунинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Илгариги кичик расталар ўрнига барча қулайликларга эга бўлган янги бозор биноси қад кўтарди. Шарқона услубда қурилган бозор халқ учун қулай бўлиши билан бирга ташқи кўриниши гўзал ва салобатлидир. Айниқса мамлакатимиз мустақиллики қўлга киритгандан кейин бозорларни обод қилишга эътибор кучайтирилди. Хусусан, Чорсу бозорида ҳам талайгина ишлар амалга оширилганлиги унинг бугунги жамолидан ҳам билиниб турибди. Биз бозорда бўлганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик.

Айни пишиқчилик пайти бўлганлиги учун, бозорда ўзгача руҳ ҳукмрон. Расталардаги турли сархил мевалар, сабзавотлар бу йилги ёзнинг тўкинлигидан далолат бериб турибди. Бу ерда мамлакатимизнинг турли бурчагидан келтирилган ноз-неъматларни кўрасиз. Сурхондарёю Қашқадарё, Бухорою Самарқанд, Фарғонаю Наманганнинг мева-чевалари, полиз маҳсулотлари расталарни безаб турибди.

Шаҳримизнинг барча бозорларида ҳам худди шундай тўкинчилик. Аммо Чорсу бозорининг ўзига хос томони, бошқаларидан ажралиб турувчи хусусиятлари бор. Шулардан бири унинг машҳурлигидир.

Яна бир ўзига хос хусусияти эса халқ ҳунармандчилигининг бу ерда кенг тараққий этганидир. Эски шаҳар, хусусан Чорсунинг асосий кўриниши ҳунармандлар билан. Бу ерда бешиксозлар, сандиқчилар, тунукачилар, темирчилар, пичоқчилар, новвойлар, маҳсидўзлар, дўппичилар, борингки ўзбекларнинг барча ҳунармандларининг ишларини кўриш мумкин.

Дувчилар Самарқанд Дарбоза маҳалласидан бўлса, бешикчилар «Бешқайрағоч», Бирлик маҳаллаларидан, сандиқчилар эса «Дўмбиробод»дан, тунукачилар «Бодомзор» маҳалласидан келишади. Новвойлар, пашмакчилар бозор атрофидаги маҳаллалардандир.

Биз ҳунармандларнинг баъзиларини суҳбатга тортдик. Дувчилик билан шуғулланадиган Шайхонтоҳур тумани Самарқанд Дарвоза маҳалласида истиқомат қилувчи уста ўзини Тўлқин Тиллахўжаев деб таништирди.

— Ҳозир 56 ёшга кирган бўлсам эсимни таниганимдан бери, тахминан 45 йилдан ошдики, шу ерда дувчилик қиламиз. Бу бизга ота-боболардан қолган касб.

— Бозорнинг бугунги кўриниши сизга ёқадими? Унинг илгариги ҳолатидан афзаллик томонлари борми?

— Албатта. Ҳозирги Чорсуни бундан 105 йилги ҳолати билан солиштирса, жуда ўзгариб обод бўлиб кетди. Мева-сабзавотлар дуч келган жойда эмас, расталарда тартиб билан сотилади. Ҳунармандчилик дўконлари ҳам тартиб билан қурилган. Умуман, ҳозирги кўриниши жуда чиройли. Фақат биз, ҳунармандларга озгина ноқулай бўлган томони, дўконларгача машина келолмайди. Ясалган буюмларни эса қўлда ташиш мушкул.

— Нима учун айнан шу бозорда савдо қиласиз?

— Чунки Чорсу қадимдан катта бозор ҳисобланган. Бу ерда бошқа бозорлардан яхши савдо бўлади. Боиси, харидорлар ҳар томондан келишади. Бундан ташқари қадимдан ҳунармандчилик ҳам шу ерда ривожланган-да.

Дарҳақиқат, Чорсу бозори шарқона усулда қад ростлаган. Унинг бугунги жамоли билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Назира ТОШПУЛАТОВА.

Шаҳримизда «Маҳалла» дастурини жорий қилиш дастлаб бизнинг туманимиздан бошланган, деса ҳам бўлади. Чунки туманимизда маҳаллалар жуда кўп. 1966 йилдаги қаттиқ ер қимирлашидан сўнг уларнинг кўпчилигида қатор ижтимоий муаммолар кўндаланг бўлди. Уларни бартараф этиш зарур эди. Бунинг учун сув қувурлари, канализация иншоотлари, газ, электр тармоқларини яхшилашга эътибор кучайтирилди. «Маҳалла» дастури ишлаб чиқилгандан кейин уни бутун маҳаллаларга татбиқ қилишга киришилди. Айниқса, Республикамиз Президентининг маҳаллаларга бўлган алоҳида эътибори туфайли мавжуд муаммоларни ҳал қилишда туманимизда қатор ишлар амалга оширилди.

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Маълумки, туманимиз ҳудудида ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар деярли йўқ. Мавжуд маҳаллалар хонадонларининг 50 фоизида кам таъминланган оилалар бўлса, 10 фоизи ўта кам таъминланган, яъни ночор оилалардир. Ишлаб чиқариш корхоналарининг йўқлиги туфайли одамлардан, хонадонлардан йиғилган ёрдам бундай оилалар учун камлик қилади. Бундан ташқари, биздаги асосий муаммолардан бири бу ишсизликдир. Завод ва фабрикаларнинг маҳаллалардан узоқлиги туфайли кўпчилик, айниқса аёллар уйда ўтириб қолган. Бу ҳам ўз-ўзидан оилаларнинг кам даромадлилигига олиб келади. Шунинг учун кам таъминланган оилаларга ёрдам масаласини шаҳар миқёсида қайтадан кўриб чиқиш зарур деб ўйлайман. Биз иложи борича ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, турли йўллар билан бўлса ҳам маҳаллалардан ҳашар ёки хайрия йўли билан Президентимиз Фармонини амалга татбиқ қилишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, биргина Ойдин Собирова номли маҳаллада 455 та хонадон бўлса шуларда 1000 га яқин оила яшайди. Уларнинг ичида 30-40 таси ўта ночор оилалардир. Тумандаги 50 та маҳалланинг 35 таси эски ҳудудда жойлашиб улардаги ночор оилалар сони юқоридаги маҳаллалардагидай. Ночор оилалар кўп. Шунинг учун биз бутун имкониятимизни ишга солиб бу оилаларга ёрдам кўрсатмоқдамиз. Ҳозирда маҳаллаларда ободонлаштириш, канализация иншоотлари, ичимлик суви билан таъминлаш, газ, йўлларни асфальтлаш ишлари ниҳоясига етди. Бироқ, йўл, транспорт ҳамда алоқа хизмати ночор аҳволда бўлиб маҳаллалар аҳолиси учун ноқулайликлар туғдирмоқда. Ўйлайманки, яқин кунларда бу масалалар ҳам ижобий ҳал бўлади.

Саидбаҳром МИРЗАЕВ,
Акмал Икромов тумани маҳаллалар кенгаши раисининг ўринбосари.

* Ҳаёт лаҳзалари

Жаҳонгирнинг тўйи

Жаҳонгир тўйга айтди — уйланаётган экан. У бизнинг факультетимизда ўқиганди, кейин таҳсилини Туркияда давом эттириб, тугаллаб қайтибди. Яхши қаламкаш, камтарин, ювош йигитча. Унинг тўйига бориш шарт, айниқса отаси Отаёрнинг ҳурматидан. Отаёр ҳам бизни тамомлаган, катта истеъдодли шоир, яхши инсон. Талабалик йилларида ерга урса кўкка сапчийдиган шўх, самимий, диловар йигитча эди. Буларнинг гуруҳи кўпчилиги билағон, ижодга чанқоқ ёшлар эди. Эсимда бор — улар пахта теримига чиқишганда тез-тез адабий кечалар қилишар, миқтидан келган Отаёр ҳам ўртага чиқиб, халқ шоирларининг йўлларини эслатувчи маъноси тўлиқ шеърларини ўқирди, гуруҳнинг суюмлиси эди. Улар ўша пахта даврида бир давра қуриб бутун гуруҳ абадулабад дўст бўлишга, ҳар йили маълум бир кунда йиғилишиб, кўришиб туришга аҳд қилиб, қасамёд этишган эди. Мен ҳам шу машваратда бор эдим, гарчи ёш жиҳатдан катта—ўқитувчи бўлсамда ёшларнинг бу аҳд-паймонларига қўшилиб қолган эдим. Улар кейин бир неча йиллар йиғилишиб, кўришиб юришди, кейин ҳаёт ташвишлари биланми — тарқалиб кетишди. Бу гуруҳда ўқиганлар газета-журналлар идораларида, бошқа жойларда ишлаб, қалам тебратиб юришибди, фақат Отаёргина,.. У оғир қисматга дуч келди — қирчиллама ёшида, авжи ижоди гуллаб, китоблари кетмакет чиқиб, элга танилиб турган бир пайтда оғир хасталикка учраб, тўшакка михланиб қолди. Айтишларича унинг миясида аллақандай шиш пайдо бўлиб, оғир операциядан ўтибди. Касалхонадан чиққанини эшитиб, бу собиқ суюмли талабамни кўргани бордим. У кўрмас, гапира олмас, жуда ночор аҳволда эди. Кўзларимдаги ёшни (Отаёр-ку кўрмасди-я) яқинларидан яшириб анчагача сўҳбатлашиб ўтирдим. Гапимиз унинг вояга етиб, ота изидан бориб, бизнинг факультетимизга ўқишга кирган ўғли Жаҳонгирга кўчганда Отаёр имо-ишора билан яқинларидан қоғоз-қалам сўраб, минг азоб билан тусмоллаб бир-икки сўзни ёзди. Мен қоғозга хиёл тушган бу қинғир-қийшиқ ҳарфлардан «Ота... ўғил...» деган сўзларни ўқидим ва севимли шогирдим мендан ўз фарзандини ўғил ўрнида кўришни, қўллаб-қувватлаб туришимни сўраётганини англадим. Мен укамдай қадрдон бўлиб қолган бу инсоннинг илтимосини бажара олдимми-йўқми— билмайман, аммо Жаҳонгирни ҳар кўрганимда ундан ҳол-аҳвол сўраб турдим. У «Туркияга ўқишга кетаяпман», деганда «Ота-онанг сенсиз қийналиб қолишмасмикин, ахир, сен оиланинг бош фарзандисан», дедим. (Бу пайтда Жаҳонгир ҳам ишлаб, ҳам ўқирди). У: «Отам розилик берди», деди ва ўқишини у ёқда давом эттириб, яхши мутахассис, зукко ижодкор бўлиб қайтди. Мана, бугун у тўйга айтяпти, ўз юрти — Самарқанд тарафдан уйланаяпти экан, «Тўй қаерда бўлади?» «Шаҳар марказида, фалон жойда». «Даданг ҳам кела оладими?» «Албатта олиб келамиз...».

Ҳар бандани тўйга етказсин! Мана, тўй бўладиган жойга гуру-гуру меҳмонлар, қуда-андалар, ясанган, чеҳраларидан бахт-қувончи ёғилиб турган куёв-келин, ёшлар кириб келишяпти. Аммо мен Отаёрни кутардим, анчадан бери кўролмаган қадрдон шогирдимни кутардим. «Ана, Отаёрни олиб келишди», деди кимдир. Уни икки киши машинадан тушириб, қўлтиғидан суяб олиб келишарди. Мен югуриб унга пешвоз чиқдим ва ҳол-аҳвол сўраб, тўй билан табриклаб қўлини қисдим. «Домла, чап қўлини олинг, бу қўли ҳеч нарсани сезмайди», — деди уни суяб келаётган кичик ўғли. Эй, худо... Мен унинг чап қўлини ушлаб, қулоғига қаттиқ бақириб (шундай қилинг, дейишди) тўй билан табрикладим, унга ўзимни аранг танитдим. Отаёр ахир таниди ва соғлик пайтида доим юзида зоҳир бўлиб юрадиган кулгиси билан бир кулди. У хурсандлигидан қўлимни маҳкам ушлаб олган, нуқул «оббо, оббо...» дерди, кейин билсам бу унинг бемалол айта оладиган бирдан-бир сўзи экан...

Мана, тўй ҳам бошланиб кетди, куй-қўшиқлар янгради, меҳмонлар қадаҳ сўзи олиб куёв-келинни, унинг ота-оналарини, Отаёрни табриклашмоқда Отаёр буларни эшитаяптими, йўқми — билмадим, бир четда столда ҳиёл бир томонга оғиб ўтирарди.

Жаҳонгирнинг тўйи роса авжга чиқди, хонандалар катта хонани жаранглатиб хониш қилишяпти, ёш-яланглар гир айланиб рақсга тушишяпти, ҳамма тўйнинг ўзига хос, сеҳрли кайфияти оғушида. Мен эсам кўзимни Отаёрдан узмасдим, кошки мўъжиза ҳеч бўлмаса бир зумгагина юз берсаю у бу шодлигу қувончларни, дўстларини, фарзандининг бахтини бир бора бўлса ҳам кўрса, эшитса, қувонса... Аммо Отаёр худди мўмиёдек жим эди.

Ҳаёт эса кимгадир меҳрибон, кимгадир беаёв. Ҳаёт эса давом этарди...

Бобойсин ота эшитмаган қўшиқ

Ёзда саёҳатга нима етсин! Наманганнинг узоқ Нанай қишлоғига келин бўлиб тушган қизимникига борган эдим, кўёвим тоғ сайрини ташкил қилди — қўшни Қирғизистон тоғлари орасидаги Бобойсин ота деган мўқаддас бир жойга зиёратга бордик. Мустаҳкам юк машинаси ғиларакларини тошдан бу тошга урилиб, чайқала-қайқала бизни ўша манзилга олиб бориб қўйди. Бу ёғига пиёда юрилар экан, турли дов-дарахтлар, буталар билан қопланган ёнбағирликдан хийлагина кўтарилдик. Кўтарилдиг-у кўз олдимизда жуда ажойиб бир манзара очилди: баланд тоғ чўққиси остидан узун чўзилган бир камар бўлиб, унинг бир четидан бир неча тегирмонни юргизиб оладиган сув шарилларди, новсимон йўлдан пастга отилиб тушарди. Ривоят қилишларича Ҳазрат Али ўз қиличи билан тоғни бир урганда ана шу сув отилиб чиққан экан. Сал нарироқда эса бир ғор бор экан, у ҳам карроматли экан, кимнинг гуноҳи кўп бўлса у ердан чиқолмай қолар экан. Биз ҳам ўша ғорга кўтарилиб, ичига кирган эдик, энди чиқай десак қаттиқ жала қуйиб берди, ғорнинг ичида хийла фурсат қолиб кетдик ва карроматли гапларни ўзимизча анча синаб кўрган бўлдик. Ғордан шалаббо бўлиб чиқиб келганимизда камар ости бизу ва бошқа зиёратчилар билан гавжум бўлган, олиб чиққан катта қўчқоримиз сўйилган, қозонлар қайнай бошлаган эди. Камар остидаги силлиқ тош супада зиёрат зиёфати бошланиб кетди. Таомдан сўнг бу ернинг шайхи — новчадан келган, икки юзи қип-қизил, чўққи соқолли Сотимқул оға дуойи фотиҳа ўқиди. Сотимқул оға ўзи қирғизлардан эди, аммо Қуръон оятларини шундай таъсирли, чиройли ўқидики, эшитганларни сув қилиб эритиб юборди, десам ишонаверинг. У оқсоқол бўлишига қарамасдан жуда хушфеъл, ҳушчақчақ киши эди. Бу одам нимаси биландир шоирга ўхшарди. Мен зиёфат охирлаб қолганда ундан:

— Оға, сиз тиловотни жуда жойига келтиргандингиз. Сиз асли шоирга ўхшайсиз, бир жир айтиб бермайсизми?— деб сўрадим.

— Вой чирағим-ей, қув экансан, менинг жир айтишимни қайдан билдинг-а, — деди ва уёқ-буёққа қараб:

— Зиёратгоҳ жойда жирлов қалай бўларкан-а, — деб иккиланиб қолди.

— Э, оға, тиловот ҳам, жирлов ҳам юракдан чиқади, айтаверинг, савоб бўлади, — дедим мен.

Сотимқул оға кўп қистатмасдан бир зум жим қолдию, томоғини қириб олиб жирловни бошлаб юборди:

Анов товдан манов тов—
улу экан, алвой,
Анов қиздан манов қиз—
сулув экан, алвой...

Жирчининг жаранглаган товуши камардан жаранглаб чиқиб бутун дарани тўлдирди. Ўтирганлар қўшиқ сеҳридан маст бўлиб, жим бўлиб қолишди. Оға эса секин-аста авж пардаларига кўтарила бошлади:

Сўна бўлсанг бургут-до-о-ой,
Тоғ устидан боқайин...
Атрафингдан ўргил-ў-ў-ўб,
Суйиб, қанат қақайи-и-ин...

Қўшиқдан энди фақат камар ости эмас, пастдаги кенгликлар, тоғу тошлар ҳам жаранглаб кетгандай бўлди. Бутун борлиқ уни жон қулоғи билан эшитарди. Бу қўшиқ — Бобойсин ота ҳеч қачон эшитмаган қўшиқ эди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

* Суратли лавҳа

ЙИЙНЧОҚЛАР КЎРГАЗМАСИ МАРОҚЛИ ЎТДИ

Бозор иқтисодиётининг тақчил дамларига қарамай шаҳримиздаги айрим корхоналар асосий ишлаб чиқариш билан бир қаторда халқ истеъмоли буюмлари орасида болалар учун ихчам ва бежирим ўйинчоқлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйишмоқда. Бундай иш тутаётган корхоналар фойда кўрсалар кўраяптиларки, зарар кўраётганлари йўқ. Фикримизнинг далили сифатида яқинда «Ўзэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган Ўзбекистон миллий ва саноат ўйинчоқларининг кўргазмаси фикримизнинг далилидир.

Кўргазмани ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, «Семург» ҳиссадорлик жамияти, «Ижодкор» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Жаҳонгир» фирмаси, Республика болалар жамғармаси ва «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутасаддилари ҳомийлик қилишди.

Кўрик-танловда республикамиз ҳудудидаги вилоятларнинг мактабгача тарбия муассасаларида тайёрланган ўйинчоқлар ҳамда шаҳримиздаги 9 та саноат корхонаси ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

Кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев жумладан шундай деди:

— Бундан бир неча йиллар илгари республикамизда 17 тадан зиёд ўйинчоқ ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд бўлган эди. Ҳозирги вақтда уларнинг сони жуда кам. Шукроналар бўлсинки, келажагимизни, жажжи фарзандларимизни ўйлаган айрим саноат корхоналари бу соҳада хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Болалар тарбиясида ўйинчоқларнинг роли жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир корхона, завод, фабрика асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда болалар ўйинчоқларини халққа етказиб берсалар, унда болаларнинг қобилиятлари ривожланишига катта ёрдам берган бўладилар...

Икки кун давом этган кўргазмали кўрик-танловда қолиб чиққан муаллифларга, ташкилот ва саноат корхоналарига ҳомийлар томонидан ажратилган совғалар тақдим этилди. Иштирокчилар томонидан келтирилган ўйинчоқлар Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўйинчоқлар музейига эсдалик учун қолдирилди. Бундан ташқари келгусида болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришни ўз

олдиларига мақсад қилаётган корхоналарга намуна сифатида тавсия этилиши ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Кўрик-танлов сўнгида «Ўзэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош раҳбари Абдуманноп Алимбоев, руҳшунослик фанлари номзоди, доцент Санобар Охунжонова, Донецкдаги махсус ўйинчоқлар заводининг вакили, тижорат масалалари бўйича директор ўринбосари Николай Низков, «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори Эдуард Судановскийлар сўзга чиқишиб болалар ўйинчоқлари уларнинг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирдилар.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: кўргазмали кўрик-танловдан лавҳалар.

Козим Улмасов олган суратлар.

* Уй бекалари, Сизлар учун

СУЗМАДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЕЛИМ

Чинни гулдон ерга тушдию синди... «Яхшиликка бўлсин» деб қўямиз одатда ачинганимизни яшириб. Ҳақиқатан ҳам бундай пайтда ачинишнинг фойдаси йўқ, синган буюмни, айниқса чинни идишни асл ҳолига келтириб бўлмайди. Энди янгисини сотиб олишдан бошқа илож йўқ. Йўқ, шошманг, илож йўқ ишнинг ўзи йўқ дейишади.

Мутахассислар бу борада қазеинли елимдан фойдаланишни маслаҳат беришмоқда. Бу елимни қаердан топсам экан, дея ўйланиб ўтирманг. Уни уй шароитида ўзингиз тайёрлашингиз ҳам мумкин. Бунинг учун маълум миқдорда сузма олиб унга худди шу ҳажмдаги новшадил спирти қўшилади ва у қуюқ ҳолатга келгунича аралаштирилади. Сўнгра синган буюм парчалари яхшилаб тозаланади, кейин аралашма ёрдамида елимланиб, ўзаро қаттиқ сиқилади.

Елимланишни майда оҳак кукуни тезлаштиради ва мустаҳкамлайди. Бунинг учун кукунни елимланган жойга сепиш лозим. Синган бўлаклар қайта жой-жойга тушиши учун қуритиш жараёнида уларни ёпишқоқ лента билан вақтинчалик ўзаро ёпиштириб қўйиш тавсия этилади. Буюмни қайта тиклашга тайёргарлик кўрилаётган пайтда синган бўлакларга қўл теккизмаган маъқул, акс ҳолда бармоқларга ёпишиб қолган аралашма қолдиқлари бўлакларни тўғри ёпиштиришга халал беради. Аммо мазкур аралашма ёрдамида ёпиштирилган идиш узоқ вақт сув тутиб туролмайди, бўлакларни ўзаро ёпиштирган аралашма сув таъсирида аста-секин эриб кетади. Шундай экан, бундай идишлардан энди фақат қуруқ маҳсулотларни сақлашда фойдаланишга тўғри келади.

Инобат КОМИЛОВА.

* Бу—қизиқ

ИШОНМАСАНГ, ҚУВИБ ЎТМА!

Буюк британиялик 43 ёшли Роберт Которннинг дунё бўйлаб қилаётган сафари ҳалокатли якунланди. У 1990 йилда она шаҳри Хексбидан чиқиб, ўзининг «Ямаха» мотоциклида саёҳатини бошлаган эди. Уч йил ичида Роберт Аляскадан Бразилиягача бўлган масофани босиб ўтди. Аммо Австралия йўлларида кутилмаган фалокатга йўликди: йўловчи машинани қувиб ўтаётганда у қаршисидан чиқиб қолган эму туяқушини жуда кеч пайқади. Тўқнашув иккаласи учун ҳам ҳалокатли бўлди.

ЧАҚАЛОҚ ЎРНИГА...

Дакка шаҳрида истиқомат қилувчи уч фарзандининг онаси Сонахар Биби тўртинчиси ҳам кутилаётган вақтдан ўтса-да, туғилмаётганидан хавотирланиб, врачга мурожаат қилди. Қисқагина текширувдан сўнг уни жарроҳлик столига ётқизишди. Операция натижаси эса ҳатто энг тажрибали жарроҳларни ҳам ҳайратга солди. «Ҳомиладор» аёл қорнидан нақ 21,3 килограмм бўлган шиш ўсимтасини олиб ташладилар. Аёлнинг бахтига операция муваффақиятли ўтди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

* Жаҳон маданияти юлдузлари

БЕБАҲО ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Ҳар бир халқ адабиёт ва санъат соҳасида улкан арбоблари — композиторлари, бастакорлари, шоирлари, мутафаккирлари, драматурглари ва бўлади. Улар башарият учун бебаҳо мерос қолдирадилар. Шу сабабли уларнинг ижодий, илмий ва амалий фаолиятлари халқлар қалбида умрбод барҳаёт яшайди.

Бундан икки юз ўн йил муқаддам Италиянинг Генуя шаҳридаги «Пассоди Гатта Мора» («Қора мушук тор кўчаси») деб ном олган эски кўчаларидан бирида, ҳунарманд Антонио Паганини оиласида, кейинчалик ота-онасига, шаҳрига, Италияга шуҳрат келтирган учинчи ўғил туғилди. Кейинчалик Паганинилар оиласи яшаган уйга ўрнатилган хотира-тош лавҳага санъаткордан минатдор генуяликлар «Илоҳий товуш санъатининг тенги йўқ устаси —Никколо Паганини» деб ёзиб қўйишганди.

Ўғлида жуда ёшлигиданоқ мусиқага қобилияти борлигини сезган ота соғлиғи заиф бўлган Никколонинг мусиқа билан шуғулланишига, аввал мандолинани, кейин гитара ва скрипкани ўрганишига катта эътибор бера бошлади. Бу эса Никколога тўққиз ёшидан бошлабоқ черковда ўз асарлари, вариациялари ва ҳатто сонаталарини чалиш имконини берди. (Минг афсуслар бўлсинки, бу асарлар сақланиб қолмаган). Шундай қилиб ёш скрипкачининг дастлабки ижролари ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этди. Ўз ижросини янада такомиллаштириш орзуси ёш Паганинини Пармага, Бурбон герцоглигининг сарой композиторлари, машҳур мусиқачи Фердинанд Паэр ҳузурига олиб келди.

Паганинининг ҳар кунлик машқи шундан иборат бўлардики, ҳар бир асарни битта торнинг ўзида чалиб чиқиши унга катта имкониятни берарди. Паганини скрипкадаги тўртта тор ўрнига ҳатто битта торда ҳам чалиб, янги-янги усуллар излар, доимий тажрибалар ўтказувчи, тенгги йўқ ижрочи эди. Буюк истеъдод, доҳиёна фаҳми, мақсад сари интилиши, беҳад меҳнатсеварлиги — буларнинг ҳаммаси скрипка чалишда иқилоб ясаган новаторнинг, ижрочиликдаги романтизмнинг ўсиши ва улғайишига ёрдам берган омиллар бўлди.

Ўн беш ёшида Паганини Италиянинг барча катта ва кичик шаҳарларини айланиб чиқди, гастролларда юриб, ўз маҳоратини ошириб борди. 1828 йилга келиб Вена шаҳрида катта шуҳрат қозонди. «Умумий театр газета»сининг танқидчиси бундай деб ёзган эди: «...Инсон руҳияти фаолиятининг ҳамма жабҳаларида вақти-вақти билан шундай одамлар пайдо бўладики, уларнинг ижоди янги даврни барпо этади. Мана шундай кишиларни биз даҳолар деймиз...» ва бу сўзни том маънода айтганда — Паганини ана шундай даҳодир... Унинг композициясида мутлақо сунъийлик йўқ, унинг композицияси соф мусиқа. Уларга фақат уни тинглаган кишигина ишониши мумкин». Ёки «Австрия шарҳловчиси» газетаси ёзганидек «Паганининнинг буюклиги замондошларига алоҳида қудрат билан таъсир этиши керак... У ҳеч ким қила олмаган ишга қўл уриб, мусиқанинг соф романтик моҳиятини сақлаб қолди».

Паганини ёркин куй яратиш истеъдодига эга эди. Энг нозик лирикадан эҳтиросли драматик ҳаяжонгача кенг ҳаяжонли кўлам унинг куйларига хосдир, «Паганини яратган куйлар, — деб ёзганди Берлиоз, — бу жуда катта итальян куйларидир, лекин улар ўз мамлакатидаги опера композиторларининг энг яхши асарларидагина нисбатан унинг ижросида тенгсиз жўшқин эҳтирос билан, янада юксак ҳис-ҳаяжон билан жаранглайди». Бироқ, бундан доимо унга зафар ва шуҳрат ҳамроҳ эди, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Тўғри, у ҳамиша зафар қучарди, аммо Паганининнинг ҳаёти бир қатор қийинчиликлар туфайли драматизмга ҳам тўла бўлиб, бунинг сабабчилари Паганининнинг душманлари, унинг композиторлиги, скрипкачилиги ҳақида ёлғон-яшиқ, бўҳтон, миш-мишлар тарқатувчи ғийбатчилар, Паганининнинг мусиқавий даҳосини ва тенгсиз асарларини, унинг ажойиб қобилиятини ҳалол баҳолашга ожиз бўлган рақиблари эди. Паганини эса ижрочилик санъатини бошқалар эриша олмайдиган юксак чўққисига олиб чиқди, бошқаларнинг пасткашлиги ва тубанлиги унинг буюклиги олдида яққол кўриниб қолар эди. Аммо жисмоний нимжонлик, кейинчалик турли жиддий хасталиклар унга ғоятда халақит берарди. Ҳатто организмининг қисман заифлашуви, ўзидан кетиб қолар даражада асабининг бўшашуви буларнинг ҳаммаси Паганининни бошқалар назарида аллақандай ғайритабиий, илоҳий шахсга айлантириб қўярди. Шундай бўлса ҳам у қўлига скрипкани олиши биланоқ тингловчиларни ўзига ром қиларди. Жаҳон классик асарларини ҳеч қандай машқ қилмай ғоятда зўр ижро этиши, замондошларининг концертларини пюпитрда «оёғи» осмондан бўлиб турган нотага қараб чалиши, халққа манзур бўлиб қолган скрипка учун ёзилган машҳур асарларни юксак мусиқавий дид билан ижро этиши — буларнинг ҳаммаси унинг мисли кўрилмаган истеъдодидан ва ўз устида мунтазам равишда ишлашидан далолат берар эди.

Никколо Паганининнинг ҳаёти, унинг ижрочилиги, унинг ижоди — жаҳон маданиятининг битмас-туганмас бойлигидир. «Қандай одам-а! Қандай скрипкачи-я!» — деб ҳаяжонга тушишарди Никколо Паганининнинг замондошлари... Унинг асарлари ҳозир ҳам миллионлаб қалбларни ҳаяжонга солади.

Ҳасан АБЛАЕВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти, мусиқа факультетининг катта ўқитувчиси.
Мухтор ИЛҲОМОВ,
институт ўқитувчиси.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ПОЙТАХТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ
«ТЎҚИМАЧИЛИҚ КОМБИНАТИ»
ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
СИЗНИ ОБРЎЛИ ВА ЮҚОРИ МАОШЛИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БИРЛАШМА Марказий Осиё минтақасида энг йирик ва барқарор саноат марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда Сиз учун барча қулайликлар мавжуд.

Бирлашма ишлаб чиқаришларида меҳнат қилаётганларнинг ойлик маошлари 650—750 сўмни ташкил этади, асосий касбда ишлаётганларнинг ўртача маоши 1000—1300 сўмни ташкил этади.

Башарти мутахассислигингиз бўлмаса ҳеч ташвиш тортманг. **БИРЛАШМА ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 6 ОЙ МОБАЙНИДА СИЗНИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ДАРАЖАСИДА ЎЗИНГИЗ ТАНЛАГАН ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ЎРГАТАДИ.**

Бизнинг филиалларимиз **ПАРКЕНТ, АКМАЛ ИКРОМОВ** (Фарҳод кўчаси, 31 а-уй), **СОБИР РАҲИМОВ** («Қорақамиш» 1 ва 4 мавзелари даҳасининг Наби Ҳасанов кўчаси, 19) **туманларида жойлашган.**

Бирлашманинг барча ишлаб чиқаришларида замонавий ошхоналар, маданий-маиший комплекслар, сартарошхоналар, косметика салонлари бор.

Корхона ҳудудида озиқ-овқат ва сабзавот савдо дўконлари мавжуд.

Сизни даволаш санаторийси, «Тўқимачи» ўйингоҳи, маданият саройи, дам олишингиз учун Тошкент денгизидаги дам олиш зонаси кутмоқда.

Агар Сиз бизнинг корхонамизда ишлашни истасангиз — ТИГИБ «ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» кадрлар бўлимига мурожаат қилинг.

БИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 6-уй.

Қуйидаги транспортлар билан боришингиз мумкин: автобуслар: 33, 34, 45, 97, 182, 69; троллейбуслар: 2, 6, 13, 16; трамвайлар: 7, 9, 11, 24, 28. «Тўқимачилик комбинати» бекати.

Телефонлар 53-97-09, 53-97-05.

Октябрь ойининг ҳар сешанба куни

«НАФИС ВА ГЎЗАЛЛИК МАКТАБИГА
9—12 ёшлик болалар қабул қилинади
Мактаб раҳбари—
МАЛИКА АҲМЕДОВА

Манзилимиз: Республика қўғирчоқ театри, метронинг «Космонавтлар шоҳкўчаси» бекати. Телефон: 41-06-32.

ДИҚҚАТ!

Иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан Тошкент иссиқлик марказини тўхтатиш режалаштирилмоқда.

8 ОКТЯБРДАН 13 ОКТЯБРГАЧА

қуйидаги иситиш таъминоти ҳудудларида:
Муқимий кўчаси, Чилонзор даҳасининг 1, 2, 3, 4, 5, 7, Е, И, «Оқтепа» мавзелари, Бобур, Грузовой, У. Носир, Стахановчилар, Нукус, Шевченко, «Бошлиқ» даҳаси, Аэропорт, М-1, М-2 мавзеларда

ИССИҚ СУВ БЎЛМАЙДИ

Маълумот учун телефон—55-24-37.

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ

ЎЗ АБОНЕНТЛАРИГА
1994 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ АМАЛ ҚИЛАДИГАН
ЯНГИ НАРХЛАРНИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(20 фоиз қўшимча қиймат солиғи билан)

Ўзбекистон Республикасига ташқаридан келтирилаётган материаллар, насос энергетика ускуналари ва бошқа қимматбаҳо молларни эркин муомаладаги валютага сотиб олиб келтириш қимматга тушаётганлиги ва электр баҳосининг ошиши муносабати билан

1994 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ШАҲАР КАНАЛИЗАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИГА ҚУЙИДАГИ НАРХЛАР БЕЛГИЛАНАДИ:

ВОДОПРОВОД СУВИ (1 м³)
жамоа водопроводида—6 ТИЙИН,
бюджет ташкилотларида —30 ТИЙИН,
коммунал-маиший хўжалик корхоналарида — 48 ТИЙИН,
саноат транспорт, қурилиш ва бошқаларда — 60 ТИЙИН.
ОҚИЗИБ ЮБОРИЛАДИГАН СУВЛАР (1 м³) — КАНАЛИЗАЦИЯ
бюджет ташкилотларида—12 ТИЙИН,
коммунал-маиший хўжалик корхоналарида —18 ТИЙИН,
саноат, транспорт, қурилиш ва бошқаларда — 36 ТИЙИН.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Юнусобод ноҳияси 246-ўрта мактабини 1994 йилда битирган Запашикова О. А. номига берилган ўрта маълумот ҳақидаги А № 430566 рақамли йўқолган шаҳодатнома бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Юнусобод ноҳияси 246-ўрта мактабини 1993 йилда битирган Шубин Д. В. номига берилган таянч маълумот тўғрисида ВУ № 016384 рақамли йўқолган гувоҳнома бекор қилинади.

* * *

3 хонали кв-ра, темир йиғма гараж, тел. 63-48-93.

* * *

«Садовий» қўрғонида (Зангиота) 5 сотихли уч-ка сотилади, тел. 58-46-59.

* * *

Тўйга торт ва 20 хил пишириқ пишираман, тел. 43-10-81, соат 14.00 дан кейин.

* * *

Шу йилнинг 18 август куни кечки пайт оқ рангли «Жигули» автомашинасида қизил пакетда ООО «АрМС» ҳужжатлари эсдан чиқиб қолдирилган. Уни топган кишидан мукофот эвазига қайтариб беришларини сўраймиз. Телефон—33-94-22.

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—1186.

● Босмага бериш вақти 11.30.

● Босмага берилди 12.10.

1 2 3 4 5 6.